

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган



vtto.uz



vtto\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi\_24

№ 36 (14,139) 7 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

## КАРВОН

*Карвон кўрдим тұялари бўзлаб келар,  
Нортуюда менинг ёрим излаб келар.  
Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,  
Остонаси тилло юртни кўзлаб келар.*

*Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар, қўшиқ айтсам қайрилма, ёр.*

*Карвон йўли кетгунича қизгалдоқ зор,  
Йигламагин, йиглагандан дунё безор.  
Ўйнаб-ўйнаб, қулиб-қулиб кетайвергин,  
Ғамга ўзим харидорман, ўзим бозор.*

*Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар, қўшиқ айтсам қайрилма, ёр.*

*Корли тоғдан наридадир ўзга диёр,  
Ўзга юртда келин бўлиб қолишинг бор.  
Ўзга юртда ўз юртингни эслаб турғин,  
Менга эмас, ўз юртингга бўл интизор.*

*Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар, қўшиқ айтсам қайрилма, ёр.*


*Мен-чи, менга гоҳ ғам тўлар, алам тўлар,  
Гоҳи шодлик, гоҳида ғам нолам тўлар.  
Бу дунёки, мени қўнглим ярим этдинг,  
Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар.*

*Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр,  
Жоним чиқар, қўшиқ айтсам қайрилма, ёр.*

*Карвон кўрдим тұялари бўзлаб борар,  
Нортуюда мени ёрим излаб борар.  
Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,  
Остонаси тилло юртни кўзлаб борар.*

*Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,  
Остонаси тилло юртни кўзлаб борар.*

Усмон АЗИМ  
Ўзбекистон халқ шоири



# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва комил шахс қилиб вояга етказиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълимнинг асоси ҳисобланган мактабгача таълимнинг замонавий ва самарали тизимини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу соҳадаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини ортишига олиб келди ва бу ўз ўринда ўш авлодни таълим ва тарбия билан қамраб олиш имкониятини янада ошириди.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, йилдан йилга мактабгача таълим муассасаларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мактабгача таълим ташкилотларига малакали педагог кадрларни жалб қилиш ва болаларни замонавий ўқув-методик материаллар билан таъминлаш зарурлигини англатади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқариши тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида тўхталиб ўтган эди. Давлат раҳбари жорий Йилнинг 26 июль куни «Тошкент шаҳрини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонида бир неча соҳа қаторида мактабгача таълим соҳасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди ва соҳада қилиниши керак бўлган вазифаларни белгилаб берди. Унга кўра, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида 2024 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида 50 минг ўринли 400 дан ортиқ янги мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга кўйиш ҳамда 240 та мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирилашини инобатга олиш кўдага тутилган.



Ушбу қарор ижроси ва Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятига оид бир неча саволларга жавоб олиш учун **Мактабгача таълим агентлиги Ахборот хизмати раҳбари Мавлуда АСҚАРХЎЖАЕВА** билан боғландик.

– **Бугунги кунда Тошкент шаҳрида нечта МТТ фаолият юритмоқда?**  
– Бугунги кунда шаҳримизда 944 та МТТ фаолият юритаётган бўлиб, шулардан 494 таси давлат 450 таси нодавлат МТТ ҳисобланади. Туманлараро оладиган бўлсак энг кўп мактабгача таълим ташкилотлари Юнусобод (119), Мирзо Улугбек (111), Учтепа (100) туманларида фаолият юритади. Бектемир (30) ҳамда Янгиҳаёт (50) туманларида аҳоли сонига мос равишда мактабгача таълим ташкилотлари сони ҳам бироз камроқ.

– **МТТлари фаолиятини кенгайтириш борасида кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Охирги беш йил мобайнида Тошкент шаҳридаги МТТ сони нечтага кўпайди?**  
– Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқариши тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан сўнг бутун Республика бўйлаб ташкилотнинг фаолияти кенгайди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 260 та янги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга кўйилди.  
– **Айтинг-чи, бугун пойтахтда нечта мактабгача таълим ташкилоти таъминалаб ва қайси ҳудудларда янги мактабгача таълим ташкилоти курилиши керак?**

– Туғилиш сони юкори бўлган ва аҳоли сони оиласларнинг кўчиб бориши эвазига ортиб бораётган туманларда табиийки, мактабгача таълим ташкилотларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида янги МТТ курилишини талаб қилади ва бугунги кунда Тошкент шаҳрида 12 та янги МТТ курилиши зарур, яна 54 та шундай муассаса эса таъмирга муҳтоҷ.

– **Бугун пойтахт МТТларида нечар бола тарбияланмоқда ва нечар бола МТТ қамровидан четда қолган?**


– Республика бўйича 2 миллион 930 минг 844 нафар 3-7 ёшли болаларнинг 2 миллион 111 минг 487 нафари ёки 72,0 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинган. 153 минг 251 нафардан ортиқ болалар эса Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланниши, 44 минг 782 нафар бола эса қамровдан четда қолмоқда.

– **Нодавлат МТТ фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга қандай имтиёзлар мавжуд?**  
– Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларига бериладиган имтиёзлар кўп. Жумладан, ташкил қилинаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг эҳтиёжлари учун ўрнатилган тартибида тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, асбоб-анжомлар, ўқув қуроллари ва ўйингоҳлар давлат-хусусий

шерикчилиги тўғрисидаги битим тузилган кундан бошлаб 2 йил мuddатга божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йигимлардан ташқари) тўлашдан ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин ўн йил мобайнида барча турдаги соликлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ахрматлар тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмилаш, жихозлаш ҳамда замонавий ўқув ускуналари ва ўқитиш воситаларини ҳарид қилиш учун хусусий шерик имтиёзли кредитлар олишида кўмаклашади, молиявий маблағлар етарли бўлмаса, имтиёзли кредитлар олишида кўмаклашади, давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизи (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ-5144-сон қарори тасдиқланган олис ва чекка ҳудудларда 75 фоизи) миқдорида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар олиш, хусусий шерикларга солик имтиёзлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа преференциялар тақдим этилади. Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига (оиласлар нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно) фойдаланган электр энергияси ва табиий газ хизматлари нархининг 50 фоизи миқдорида давлат бюджети маблағлари хисобидан ойлик компенсациялар тўлаб берилади.

Кўриб турганимиздек, йилдан йилга мактабгача таълим ташкилотларига бўлган эҳтиёж ортоқда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари эса бу муаммони оз бўлсада бартараф қилади ва улар бир мунча замонавий жиҳозлангани тарбияланувчиларга сифатли таълим олишга имкон яратади. Қарор ижросидан сўнг деярли барча МТТ замонавий жиҳозланади ва болаларнинг МТТ билан қамрови юкори фоизларга етади.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади



# ТАДАБАЛАР ПОЙТАХТГА КАЙТИ.

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БУ ЮКЛАМАЛАРГА ҚАНДАЙ ДОШ БЕРЯПТИ?

Янги ўқув йили бошланиши билан олий таълим мусасасалари энг кўп бўлган Тошкент шаҳрида йўловчилар оқими янада кўпайди. Хўш, пойтахт жамоат транспорти тизими ана шу тигиз йўловчилар оқимига сифатли хизмат кўрсата оляптими? Сабаби, бу ерда гап икки баробар кўп, яъни 800-850 минг йўловчи ҳақида бормоқда.

**ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БУ ЮКЛАМАЛАРГА  
ҚАНДАЙ ДОШ БЕРЯПТИ?**

**Ахрорхўжа ТОШХЎЖАЕВ,**  
**Тошкент шаҳар Транспорт бош бошқармаси бўлим бошлиғи:**  
— Янги 2023-2024 ўқув йили бошланишига Тошкент шаҳар жамоат транспортида ўзгаришлар катта бўлди. Агар ўтган йилга нисбатан солиширадиган бўлса, ўтган йилнинг шу даврида бир кунда 1013 та автобус йўналишларга чиқарилган бўлса, жорий йилга келиб, бу кўрсаткич 70 фоизга ўсади ва куни кечга ўкиш бошланишининг илк кунидан 1700 тадан ортиқ автобус йўловчиларга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, йўналишларимиз сифимлари ҳам икки баробарга ошиди. Ўтган йили автобуслар орасидаги интервал 15-20 дақиқани ташкил этган бўлса, ҳозирда 8-10 дақиқани ташкил этмоқда. Алоҳида йўлаклардан фойдаланадиган 129 та автобус йўналишлари қатновлари мунтазамлиги оширилди. 2022 йил сентябрь ойида пуллик йўловчи ташувлари 400 мингтадан ортиқни ташкил этган бўлса, ҳозирда йўловчи ташувларини 850 000 тадан 1 000 000 тага ётказиш режалаштирилоқда.

Шунингдек, йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида метрога ётказувчи экспресс йўналишлар ҳамда шаҳар чеккасидаги ҳудудларни марказга боғловчи йўналишлар ташкил этилди. Бунда 7 та янги шаҳар йўналишлари йўлга кўйилди. Яна 3 та вақтингчалик, яъни тигиз вақтларда ҳаракатланадиган экспресс автобуслар янги йўналишларда пойтахт аҳолиси ва меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Экспресс автобус йўналишлари Тошкент давлат аграр университети чорраҳасидан “Буюк ипак йўли” метросига қадар, 2-экспресс автобус йўналиши ТТЗ автошоҳ бекатидан Музработ, Мирзо Улуғбек кўчалари орқали “Буюк ипак йўли” метросига қадар мунтазам қатновларни амалга оширади. 3-экспресс автобус йўналиши ТТЗ автошоҳ бекатидан Музработ, Гулсанам ва Буюк ипак йўли кўчалари бўйлаб “Буюк ипак йўли” метросига қадар ташкил этилмоқда. Ушбу экспресс автобус йўналишининг йўлкира нархи 2000 сўм бўлиб, оралиқ бекатларда тўхтамасдан, яъни бош ва охирги бекатда тўхтаб ҳаракатланади.

Янги ўқув мавсуми арафасида масъуллар томонидан транспорт воситаларининг йўналишларга чиқиш олдидан шайлиги ҳам назорат қилинди.

**Абдужалип АЗИЗОВ,  
“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бошқаруви раиси  
ўринбосари:**

— Ҳар бир ҳаракатнинг таркиби инвентаризациядан ўтказилиб, уларга кераки бўлган эҳтиёт қисмлар хариди ҳамда уларни таъмирлаш ва йўналишга кўйиш бўйича ишлар амалга оширилди. Автобусларни йўналишга чиқиш вақтидан бошлаб ҳар битта автобус санитар ва техник ҳолати яна бир марта кўздан кечирилди. Бундан ташқари, автобус ҳайдовчилари йўл ҳаракати қоидаларини бузмасдан, йўловчиларга хушмуомала бўлиб, автобуслар учун ажратилган алоҳида йўлакдан мунтазам фойдаланиш бўйича йўриқномалар ўтказилиб, йўналишга чиқарилди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт жамоат транспорти бугун тубдан ўзгарди. Йўловчилар манзилларига ўз вақтида, тиқилинчлариз етиб бораётганликларидан хурсанд. Биз эса жамоат транспорти тизимидан ана шу каби йўловчиларни мамнун қиладиган янада кўпроқ яхши янгиликларни кутиб қоламиш.

Тошкент шаҳрида янги ўқув йилининг илк кунидан жамоат транспорти (автобус ва электробусларининг) фаолияти қуйидагича бўлди:

2023 йил 4 сентябрь куни:

Автобус йўналишлари сони – 167 та;

Йўналишга чиқарилган автобуслар сони – 1707 та;

Йўловчилар сони – 806 721;

Қатновлар сони – 21 718;

Оралиқ интервал – 8-10 дақиқа.

Ушбу кўрсаткичлар 2022 йил 5 сентябрь куни:

Автобус йўналишлари сони – 152 та;

Йўналишга чиқарилган автобуслар сони – 841 та;

Йўловчилар сони – 414 874;

Қатновлар сони – 11 127;

Оралиқ интервал – 15-20 дақиқа.

Айтиш жоизки, муҳими қилинаётган ишларнинг реал ҳаётда акс этишидир. Шу боис ҳам биз айнан талабаларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

**Шаҳноза РИЗАЕВА,  
талаба:**

— Шароитлар яхши. Автобусларда кондиционерлар бор, вақтида келяпти. Йўловчилар учун анча қулайликлар яратилган. Манзилимга 15 дақиқада етиб келдим. Авваллари 30-40 дақиқалаб кутиб қолган пайтларимиз бўларди. Ҳозир орадаги интерваллар ҳам анча қисқарган. Энг муҳими, бизга ўхшаган талабалар учун жуда қулай.

**Нуриддин ИСКАНДАРОВ,  
талаба:**

— Оралиқ интерваллар анча қисқарганилиги ҳисобига автобуслар олдиндагидек тиқилинч эмас, бемалол ўтириб, манзилимизга етиб боряпмиз. Ҳамма хуш кайфиятда, асаббузарликлар йўқ, автобус салонлари салқин. Масалан, мен 10 дақиқада ўқишимга етиб бордим. Аввал кўп вақтим йўлга кетарди. Автобуслар катта интервалда келарди, буни устига тиқилинч, асаббузарлик билан ўқишига етиб борардик. Ҳозир эса бундай муаммолар йўқ.

# Аллоҳ ҳар бир инсонни ўз тақдири билан яратади. Шоҳдир, гадодир Яратганинг берган умрини тўғри сарфлашга мажбур. Кимдир йилларга маглуб бўлади, яна кимдир вақт билан баҳслашади. Шерали Жўраев!

Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофотлари соҳиби, чин маънода санъатимиз қаҳрамони эди. Ҳофиз вақт билан ҳамнафас яшади, у сўз билан, оҳанг билан дунёни англашга чорлади. Унинг айтгандари шунчаки яралмади, ҳар бирида инсониятнинг тақдири, туйғулари акс этди. Афсус, узоқ давом этган хасталикдан сўнг ҳофиз 2023 йилнинг 4 сентябринда оламдан ўтди. Шерали Жўраевнинг маънавий мероси ҳали қанчадан-қанча авлодларга хизмат қиласди.



**Мирзабек ХОЛМЕДОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист:**

— “Анча йўлни юриб кўйдик биз...” мен шу кўшикини эшитганимда талаба эдим. Санъат институтида ўқийман, ҳофиз кириб келади. Бошқача салобат, бошқача файз билан. Ҳамма Шерали Жўраевни кўргани ошиқади. Талабадан домлагача... Катта ҳофиз билан бирга ўтган йиллар хотирамизда қолди. Шерали Жўраевнинг ҳар бир ашуласи – инсон тақдирига ўхшайди.... Устоз кетди, катта ҳофиз кетди...

Осон эмас яхшилардан бўлмоқлижудо,

Аллоҳ раҳмат қилсин, маҳшаргача алвидо...



**Юлдуз УСМОНОВА,  
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Мактабда ўқиб юрган кезларим уйда бир радио, бир магнитофон бўларди. Дадам ҳамиша устозларни эшитарди. Фахриддин Умаров, Нуриддин Ҳамроқулов, Фаттоҳхон Мамадалиев... ва уларнинг орасида Шерали Жўраев ҳам бор эди. Мен Шерали Жўраевни устоз дейман, уларни тинглаб, эшитиб санъатга бўлган меҳр ортган. Дастрлаб тўйтантаналарда учрашдик, кейин катта саҳналарда кўришдик... Ҳаёт шундай, туғилмоқ бор ўлим ҳам ҳақ! Бу инсондан катта мерос қолди. Ҳофизнинг асрлари халқнинг мулки, унинг кўшиклиарини қафасдаги күшдек сақлаш керак эмас, уларга эркин парвоз бериш керак. Мен оиласига ва Шерали Жўраевнинг муҳлислирига сабр тилайман.



**Бахрииддин АСРОР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси:**

Бундан бир неча йил аввал иккита кўзи кўрмайдиган ўртоғим телефон қилди.

– Ўртоқ Тошкентдамисан?

– Ҳа ишдаман.

– Борялпман. Такси сени ишхонангга олиб боради, кейин мени тўйхонага ташлаб қўясан.

– Хўп, келавер, ўзим обориб, кейин кузатвораман, – дедим.

Орадан 4-5 соат ўтиб, етиб келди. Кимни тўйи деб қизиқдим.

– Шер ака, Шерали Жўраев тўй қиляпти,

ошга айтган, – деди.

– Қийналибсан, нима сан келмасанг хафа бўлармиди, шундогам роса одам кўп бўлади, – дедим.

– Айтсан ишонмайсан, кечадан бери икки марта телефон қилди, – деди қимтиниб.

Ош вақти яқиниди машинага ўтқаздим ва тўйхонага қараб юрдик.

Йўлда боряганимизда ишонаверинг, Шерали Жўраев қўнгириқ қилди. Овозини чиқариб қўйганиди телефонни.

– Қори келяпсизми, ошни бузолмай турибмиз, дўст деганам шунаقا бўладими?! – деб ўпкалагани жаранглаб эшитилди.

Ўртоғим боряганини айтиб узр сўради. Чўнтағидан пул чиқариб, “Тўёнага каммасми?” – деб сўради. Ўша вақтда ногиронлигига қанча пенсия олса шуни ярмини олволган экан.

– Сани тўёнангга қарамайди у инсон ошна, – дедим.

Тўйхонага бордик. Тумонат одам, киришга навбат турнақатор. Ўртоғимни бир кишига олиб киришини илтимос қилиб, қолдирдим. Бир соатлар ўтиб олиб келгани бордим. Ўртоғим Шерали акани ёнида турарди. Қайтдик.

– Тўёнани бердингми, – дедим йўлда кетиб борарканмиз.

– Бердим, сизники табаррук қори, деб опди-ю, лекин ора-чорада тушган тўёналардан “қори, сизда туриб турсин, чўнтағим тўлиб кетди”, – деб мени чўнтағимга солиб қўйди. Қайтишда пулни қайтариб берай десам, “қори, ман бирорнинг чўнтағидан пул олмайман, у пул сизга тушган пул”, деб олмади, – деди хурсанд бўлиб ва уялинкираб.

Шер ака ўшанда ўртоғимнинг тўёнасига 20 баробар пул солиб қўйган экан.

Гап эҳсонидаям эмас, шунча казо-казолар туриб, атрофида шунча машҳурлар туриб, бир ўксик қўнгилга муштоқ бўлганида.

Аллоҳ савобли амалларини ажрини бериб, жаннатилардан қилсин.

# “Биринчи муҳаббатим” ни

АЛЛОҲГА МУНОЖОТ СИФАТИДА ТИНГЛАЙМАН



“Динсизлар осиймас, муҳаббатсизлар осийдир, гуноҳкордир” деган сатрларнинг мағзини энди чақмоқдаман. Инсон тилда Худони тан олиши, аммо дилида шубҳа бўлиши, яъни Худога муҳаббат бўлмаслиги мумкин.

Хозир ҳамма, қари-ю ёш машҳур ҳофизимиз ижросида Абдулла Орипов қаламига мансуб “Биринчи муҳаббатим” кўшигини берилиб тингламоқда. Мазкур кўшиқ шу қадар машҳур бўлиб кетганки, тўй-тантаналарда ёш кўшиқчилар томонидан шеърдаги маъноларга тушуниб-тушунмай, овози етадими, етмайдими, фарқига бормай ижро этилмоқда. Балки шоир ҳам, ҳофиз ҳам бу кўшиқни қандайдир қизга, яъни ёрга бағишилагандир. Аммо менинг фикримча, бу кўшиқ Аллоҳга муножотдир. Ҳар ҳолда, мен машҳур ҳофизимиз ижросидаги “Биринчи муҳаббатим”ни Аллоҳга муножот сифатида тинглайман.

Агар буюк Чўллон тили билан фикрлайдиган бўлсан, Абдулла Орипов коммунистик тузумни “оқшом” дея тасвирлар экан, шундай оқшомлардан бирида Ой (яъни эртанги кунга ишонч) фалакда бўзариб ботганида, Зухро юлдуз (мустақиллик орзуси) милтираб хира ханда отганда, руҳдаги маъюслик (коммунистик тузумда яшашилик) сокинлик уйғотганида Муҳаббатни, яъни Аллоҳни эсга олишини, эслаб хаёлга толишини (яъни дунёда нималар бўлмоқда ўзи, дея виждан азобига тушаётганини) қаламга олади.

Шоир Аллоҳга сигиниша имкон бермаётган тузумдан нолийди ҳамда “мен кимга суюнгайман, фақат эслаб ёнгайман, эслаб бағрим тилгайман” деган сатрлари орқали ўша замондаги худосизларга қарши исён кўтаради. Чунки ўша даврларда Худога ошкора сигиниша руҳсат берилмас, бунинг учун оғир жазо берилар эди. Бу коммунистик мафкура пайтида ёзилган шеър бўлиб ўша даврларда “Худо йўқ” деган ғоя илгари сурилар, шоир эса мана шунга норозилик билдирадар экан, усталик билан Худодан бошқа најоткор йўқлигини илгари сурган. “Дунё ўзи шундайин англаб бўлмас сир экан, гоҳида кенг, гоҳида туйнуксиз қаср экан” деган сатрлар ҳозирги кенг дунёни ва туйнуксиз қаср бўлмиш қабрни эслатмайдими? “Лекин инсон ҳамиша бир сирга асир экан” сатрларидағи “сир” Аллоҳнинг ягоналигини, фақат унга сигиниш кераклигини, яъни асир эканлигимизни тан олиш эмасми?

*“Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,  
Айро ҳам тушибдим баъзан қалб билан, ИЙМОН билан”.*

Агар сатрларнинг давоми ўқиладиган бўлса, унда ИЙМОН йўқотилгани, бунинг оқибатида мангубафлатда қолгани тан олинади. Ахир, бу яқин ўтмишдаги ҳаммамизнинг фожеамиз эмасмиди?

*Йўлин йўқотса одам – муҳаббатга суюнгай,  
Руссага ботса одам – муҳаббатга суюнгай,  
Чорасиз қотса одам – муҳаббатга суюнгай,  
Мен кимга суюнгайман, биринчи муҳаббатим,  
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.  
Эслаб бағрим тилгайман, биринчи муҳаббатим.*

Албатта, йўлин йўқотган, ғуссага ботган, чорасиз қотган одам қандайдир қизга эмас, балки Аллоҳга суюниши ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, коммунистик мафкура муҳаббатни қалбимиздан олиб қўйган эди. Шу сабабли шоир МУҲАББАТНИ эслаб ёнишини, эслаб бағрини тилишини машрабона сатрларда тасвирлашга уринади.

Шеърнинг сўнгги сатрларини ўқиб кўрайлик. Шоир “Оқшом” деганда чириб бораётган коммунистик мафкуруни назарда тутар экан, тонгда туриб, яъни яқинлашиб келаётган кўёшли куннинг тонгида Аллоҳга атаб ушбу шеърини битганини тасвирлайди.

*Нидо бергил қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушилар кўриб мен бор дунёни унутдим,  
Тонгда туриб номингга ушибу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Ёлгиз Аллоҳим менинг биринчи муҳаббатим.*

Биринчи муҳаббат, умуман муҳаббат фақат ёлғиз Аллоҳга эканлиги “Биринчи муҳаббатим”да ёрқин акс этган. Шу сабабли шеърни ўқиётганда, қўшиқни тинглаётганда дилимизда Аллоҳ бўлиши керак. Агар кимдир севган йигити ёки қизини биринчи муҳаббатим дея, уни Аллоҳ даражасида кўрар экан, бу осишлиқдан бошқа нарса эмас.

Шарофиддин ТУЛАГАНОВ

# ҚУШ УЯСИДА КҮРГАНИНИ ҚИЛАДИ ЁХУД КИТОБ ЎҚИМАЁТГАН БОЛАЛAR

Телефон ўйнаб ўтирган ўғлимга қараб, ўйга толдим ва олисда қолган болалигим ёдимга тушди...

Болалигимда китоб ўқиши жуда яхши күрардим. Уйимизда бадий ва тарихий китоблар талайгина эди. У китобларни онам ўқирдилар. Эрталаб уйғонганимда тандир ёнидаги хонтахтада бир сават иссиқ нон ва яқиндагина ювилган, ҳали сувлари оқиб турган бир дор кирга кўзим тушарди. Онам жуда барвақт турар биз турганимизча барча рўзғор ишларини бажаришга улгуради. Нонуштага ўтирганимизда онам ошхона бурчагида китоб ўқиб ўтирадилар. Балки шунданин, менда китоб ўқишига бўлган қизиқиш жуда эрта ўйғонган. Мактабдан қайтишимда ҳар куни бувимнинг ўйларига кирадим. Ҳар гал бувимни кўргани кирганимда улар пахта ситиб ўтирас, аммо кўзларини китобдан узмасдилар. Мени кўриб жуда севинарди ва пашмакми, жайдами, нима топсалар кўлимга тутқазарди. Бувимнинг ўйлари ёнида мўъжазгина кутубхона бўларди. Уларнинг ўйларидан чиқиб, тўғри ўша ерга кирадим. Адабиёт дарсида ўтирган, таниган адабларимнинг китобларини қидириб топиб, уларни эрталабгача ухламай ўқиб тугатишига ҳаракат қилардим. Ҳар бир асарни ўқиганимда ундаги қаҳрамонлар хис қилган тўйғуларни бутун вужудим билан туяр, улар севинганда суюниб, ранжиганда йиғлардим. Эсимда «Ўткан кунлар»да Кумуш ўлганида бир ҳафтача ўзимга келоммаганман. Онам тушлик учун берган пулларни тежаб, китоб сотиб олардим. Хуллас, болалигимни китобларсиз тасаввур қила олмасдим.

Агар ўсмир пайтимда ўғлимникадай телефоним бўлганида, интернет бўлганида китоб ўқирмидим? Ўзимга шу савонни бердим. Тўғриси билмайман ўқирмидим ё ҳозирги ёшларга ўхшаб телеграм, инстаграм ёки шунга ўхшашларда вақтимни ўтказармидим?! Балки бизнинг тендошларимиз телефони бўлмагани учун бўш вақтларини китоб ўқишига сарфлаганмикн?..

Мен фарзандларимни бадий адабиёт ўқишига қанча қизиқтирумай бунинг уддасидан чиқолмаяпман. Нима қилсан улар мутолаага қизикади, деб жуда кўп ўйлайман. Ҳатто бир вақт телефонларини олиб ҳам қўйдим. Фойдаси бўлмади. Аксинча, қизиқиб турган фанларини ҳам ўқимай қўйиши. Шунда тушундим-ки, интернет ривожланган айни асрда уларни бундай айриш жуда катта хато экан. Аксинча, ундан унумли фойдаланишини ўргатишмиз лозим. Керакли ҳаволалардан фойдаланишига руҳсат бериб, тарбияга зидларини чеклашимиз даркор.

Фарзандларимни мутлақо билимсиз демайман. Улар инглиз тили, математика, информатика каби фанларни яхши ўзлаштирадилар. Дунёда содир бўлаётган барча ҳодисалардан хабардорлар. Ҳатто бу воқеаларни муҳокама қиладилар, ўзларининг ижобий ва салбий баҳоларини берадилар. Компьютердан интернетдан фойдаланинша мендан пешқадам. Фақат бадий адабиёт ўқишига қизиқишмайди-да... Тик-тоқдаги саёз, бачкана вайнларни кўришига анча вақтларини сарфлашади. Тренддаги блогерларнинг ҳаётига қизиқишид-ю, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳордек буюк адабларнинг мазмунли яшаб ўтган ижод ўйлига назар ҳам ташлашмайди. Бу эса мени она сифатида жуда ташвишга солади.

Яқинда телевидениеда «Энг яхши китобхон» танловини кўриб қолдим. Адабиётга қизиқадиган ёшлар борлигидан жуда севиндим. Эътибор билан кузатсан, уларнинг аксарияти табиати гўзал, ҳавоси тоза сўлим қишлоқларда улғаяётган ўсмирлар. Балки китобга муҳаббат замонга эмас, маконга боғлиқмикин, деб ўйлаб қолдим. Чунки, менинг болалигим ҳам қишлоқда ўтган-да... Шаҳардаги шовқинли ва шиддатли ҳаёт, зич жойлашган уйлар, кўча тўла машиналардан чиқаётган зарарли ислар бунга сабабмикин...

Билмадим, қандай шароитда яшаидан қатъий назар ҳар бир ўсиб келаётган бола бадий адабиёт ўқиши шарт ва зарур. Чунки, адабиёт инсон руҳини қусурлардан тозалайди, яхши фазилатларни сайдаплайди, виждан ойнасини ювади, ота-онага, турмуш ўртогига, фарзандига умуман жамиятдаги барча инсонлар билан муомала қилишини, хурмат-иззатни, оқни қорадан ажратиши, шукрни, сабрни ва ҳимматни ўргатади.

Инсон ҳаётида касб танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Касб фақат пул топиб, уни ўз манфаатлари учун сарфлаб, тўкин ҳаёт кечириш учун танланмайди. Инсон аввало танлаган касбини севиши, бунда иктидори Аллоҳ томонидан берилган қобилияти бўлиши лозим. Ана ўшанда у ҳаётда ўз ўрнини топади ва мамнун яшиди, армонлари бўлмайди. Бундай инсонларнинг насибасини Аллоҳ ўзи бераверади.

Кўпроқ пул топиш учун ўзи хоҳламаган касбни танлаб жуда кўп бойлик орттирган, аммо, ўзлигини, орзуарини йўқотган, натижада баҳтсиз, оиласида ҳаловати йўқ инсонларни ҳаётим давомида кўп учратдим. Аксинча, ўзи севган касбни танлаб, ўртача ҳаёт кечирсада, ҳар бир кунида баҳт түяётганларни ҳам жуда кўпини танийман. Уларга ҳавасим келади. Мана бадий адабиёт ўқиши нимага керак. Китоб ўқиган одам ундаги ҳам ижобий, ҳам салбий образдаги қаҳрамонларнинг ҳаёти билан танишиш асносида улар хис қилган тўйғуларни қалбларидан ўтказадилар ва ўзлигини топадилар. Демак, бадий адабиёт ўқиши ўзимизни англаш, ҳаётдаги ўрнимизни топиш учун сув ва ҳаводек зарур.

Балки мен ҳам уй-рўзғор ташвишлари, пул топиш илинжида юриб, фарзандларимга ўрнак бўлолмагандирман. Шунинг учун улар китобга меҳр қўйишмагандир. Ўйлаб кўрсам охирги пайтлар китоб ўқишига жуда кам вақт ажратибман. Ростини айтайлик биз ота-оналар орасида ҳам китоб ўқийдиганларимиз жуда кам. Шундай ота-оналар бор-ки, улар телефонга ўсмирлардан ҳам кўпроқ муккасидан кетган. Соатлаб телеграмда ўтирадиган, дугоналари билан алламаҳалгача гаплашадиган жуда кўп аёлларни учратганман. Уйига келганида фарзанди учун вақт ажратиш ўрнига телефондан бошини кўттармайдиган оталар ҳам талайгина. Келинг, аввало ўзимизни испоҳ қилайлик. Шунда фарзандларимиз ҳам бизга эргашадилар. Зоро, куш уясида кўрганини қилади. Эртага фарзандларимиз улғайиб, ёшлигини эслаганида китоб ўқиб ўтирган ота-онасини эсласин, телефон ўйнаб ўтирганини эмас!

Балки мен ҳам уй-рўзғор ташвишлари, пул топиш илинжида юриб, фарзандларимга ўрнак бўлолмагандирман. Шунинг учун улар китобга меҳр қўйишмагандир. Ўйлаб кўрсам охирги пайтлар китоб ўқишига жуда кам вақт ажратибман. Ростини айтайлик биз ота-оналар орасида ҳам китоб ўқийдиганларимиз жуда кам. Шундай ота-оналар бор-ки, улар телефонга ўсмирлардан ҳам кўпроқ муккасидан кетган. Соатлаб телеграмда ўтирадиган, дугоналари билан алламаҳалгача гаплашадиган жуда кўп аёлларни учратганман. Уйига келганида фарзанди учун вақт ажратиш ўрнига телефондан бошини кўттармайдиган оталар ҳам талайгина. Келинг, аввало ўзимизни испоҳ қилайлик. Шунда фарзандларимиз ҳам бизга эргашадилар. Зоро, куш уясида кўрганини қилади. Эртага фарзандларимиз улғайиб, ёшлигини эслаганида китоб ўқиб ўтирган ота-онасини эсласин, телефон ўйнаб ўтирганини эмас!

Нафиса АБИДОВА



Телефон ўйнаб ўтирган ўғлимга қараб, ўйга толдим ва олисда қолган болалигим ёдимга тушди...

Болалигимда китоб ўқиши жуда яхши кўрардим. Уйимизда бадий ва тарихий китоблар талайгина эди. У китобларни онам ўқирдилар. Эрталаб уйғонганимда тандир ёнидаги хонтахтада бир сават иссиқ нон ва яқиндагина ювилган, ҳали сувлари оқиб турган бир дор кирга кўзим тушарди. Онам жуда барвақт турар биз турганимизча барча рўзғор ишларини бажаришга улгуради. Нонуштага ўтирганимизда онам ошхона бурчагида китоб ўқиб ўтирадилар. Балки шунданин, менда китоб ўқишига бўлган қизиқиш жуда эрта ўйғонган. Мактабдан қайтишимда ҳар куни бувимнинг ўйларига кирадим. Ҳар гал бувимни кўргани кирганимда улар пахта ситиб ўтирас, аммо кўзларини китобдан узмасдилар. Мени кўриб жуда севинарди ва пашмакми, жайдами, нима топсалар кўлимга тутқазарди. Бувимнинг ўйлари ёнида мўъжазгина кутубхона бўларди. Уларнинг ўйларидан чиқиб, тўғри ўша ерга кирадим. Адабиёт дарсида ўтирган, таниган адабларимнинг китобларини қидириб топиб, уларни эрталабгача ухламай ўқиб тугатишига ҳаракат қилардим. Ҳар бир асарни ўқиганимда ундаги қаҳрамонлар хис қилган тўйғуларни бутун вужудим билан туяр, улар севинганда суюниб, ранжиганда йиғлардим. Эсимда «Ўткан кунлар»да Кумуш ўлганида бир ҳафтача ўзимга келоммаганман. Онам тушлик учун берган пулларни тежаб, китоб сотиб олардим. Хуллас, болалигимни китобларсиз тасаввур қила олмасдим.

Агар ўсмир пайтимда ўғлимникадай телефоним бўлганида, интернет бўлганида китоб ўқирмидим? Ўзимга шу савонни бердим. Тўғриси билмайман ўқирмидим ё ҳозирги ёшларга ўхшаб телеграм, инстаграм ёки шунга ўхшашларда вақтимни ўтказармидим?! Балки бизнинг тендошларимиз телефони бўлмагани учун бўш вақтларини китоб ўқишига сарфлаганмикн?..

Мен фарзандларимни бадий адабиёт ўқишига қанча қизиқтирумай бунинг уддасидан чиқолмаяпман. Нима қилсан улар мутолаага қизикади, деб жуда кўп ўйлайман. Ҳатто бир вақт телефонларини олиб ҳам қўйдим. Фойдаси бўлмади. Аксинча, қизиқиб турган фанларини ҳам ўқимай қўйиши. Шунда тушундим-ки, интернет ривожланган айни асрда уларни бундай айриш жуда катта хато экан. Аксинча, ундан унумли фойдаланишини ўргатишмиз лозим. Керакли ҳаволалардан фойдаланишига руҳсат бериб, тарбияга зидларини чеклашимиз даркор.

Фарзандларимни мутлақо билимсиз демайман. Улар инглиз тили, математика, информатика каби фанларни яхши ўзлаштирадилар. Дунёда содир бўлаётган барча ҳодисалардан хабардорлар. Ҳатто бу воқеаларни муҳокама қиладилар, ўзларининг ижобий ва салбий баҳоларини берадилар. Компьютердан интернетдан фойдаланинша мендан пешқадам. Фақат бадий адабиёт ўқишига қизиқишмайди-да... Тик-тоқдаги саёз, бачкана вайнларни кўришига анча вақтларини сарфлашади. Тренддаги блогерларнинг ҳаётига қизиқишид-ю, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳордек буюк адабларнинг мазмунли яшаб ўтган ижод ўйлига назар ҳам ташлашмайди. Бу эса мени она сифатида жуда ташвишга солади.

Яқинда телевидениеда «Энг яхши китобхон» танловини кўриб қолдим. Адабиётга қизиқадиган ёшлар борлигидан жуда севиндим. Эътибор билан кузатсан, уларнинг аксарияти табиати гўзал, ҳавоси тоза сўлим қишлоқларда улғаяётган ўсмирлар. Балки китобга муҳаббат замонга эмас, маконга боғлиқмикин, деб ўйлаб қолдим. Чунки, менинг болалигим ҳам қишлоқда ўтган-да... Шаҳардаги шовқинли ва шиддатли ҳаёт, зич жойлашган уйлар, кўча тўла машиналардан чиқаётган зарарли ислар бунга сабабмикин...

Билмадим, қандай шароитда яшаидан қатъий назар ҳар бир ўсиб келаётган бола бадий адабиёт ўқиши шарт ва зарур. Чунки, адабиёт инсон руҳини қусурлардан тозалайди, яхши фазилатларни сайдаплайди, виждан ойнасини ювади, ота-онага, турмуш ўртогига, фарзандига умуман жамиятдаги барча инсонлар билан муомала қилишини, хурмат-иззатни, оқни қорадан ажратиши, шукрни, сабрни ва ҳимматни ўргатади.

Инсон ҳаётида касб танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Касб фақат пул топиб, уни ўз манфаатлари учун сарфлаб, тўкин ҳаёт кечириш учун танланмайди. Инсон аввало танлаган касбини севиши, бунда иктидори Аллоҳ томонидан берилган қобилияти бўлиши лозим. Ана ўшандада у ҳаётда ўз ўрнини топади ва мамнун яшиди, армонлари бўлмайди. Бундай инсонларнинг насибасини Аллоҳ ўзи бераверади.

Кўпроқ пул топиш учун ўзи хоҳламаган касбни танлаб жуда кўп бойлик орттирган, аммо, ўзлигини, орзуарини йўқотган, натижада баҳтсиз, оиласида ҳаловати йўқ инсонларни ҳаётим давомида кўп учратдим. Аксинча, ўзи севган касбни танлаб, ўртача ҳаёт кечирсада, ҳар бир кунида баҳт түяётганларни ҳам жуда кўпини танийман. Уларга ҳавасим келади. Мана бадий адабиёт ўқиши нимага керак. Китоб ўқиган одам ундаги ҳам ижобий, ҳам салбий образдаги қаҳрамонларнинг ҳаёти билан танишиш асносида улар хис қилган тўйғуларни қалбларидан ўтказадилар ва ўзлигини топадилар. Демак, бадий адабиёт ўқиши ўзимизни англаш, ҳаётдаги ўрнимизни топиш учун сув ва ҳаводек зарур.

Балки мен ҳам уй-рўзғор ташвишлари, пул топиш илинжида юриб, фарзандларимга ўрнак бўлолмагандирман. Шунинг учун улар китобга меҳр қўйишмагандир. Ўйлаб кўрсам охирги пайтлар китоб ўқишига жуда кам вақт ажратибман. Ростини айтайлик биз ота-оналар орасида ҳам китоб ўқийдиганларимиз жуда кам. Шундай ота-оналар бор-ки, улар телефонга ўсмирлардан ҳам кўпроқ муккасидан кетган. Соатлаб телеграмда ўтирадиган, дугоналари билан алламаҳ

# АТРОФ ТАБИЙ МУХИТНИ АСРАШ ВА ЭКОЛОГИК ХУҚУҚЛАРНИ ТАЪМИНЛАШДА БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

Экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитдаги чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда долзарб муаммолар сифатида сакланиб қолмоқда. Ушбу йўналишдаги муаммоларнинг йил сайин ошиб бораётганлиги барча даражадаги давлат органлар, мансабдор ва масъул шахслар, тадбиркорлар, фуқаролар умуман кенг жамоатчиликнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш, экологик хуқуқларни таъминлаш Конституция даражасида белгиланиб, унинг IX боби номи “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик хуқуқлар” сифатида белгиланди. Конституция нормаларида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш хукуқига эгалиги, давлат фуқароларнинг экологик хуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратishi, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тикалаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши (49-модда), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги (68-модда) белгиланди.

Сўнгги вақтларда атроф табиий муҳитни асрash ва экологик хуқуқларни таъминлашда жiddий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, айrim ҳолларда эса табиатга ва жамиятга тиклаб бўлmas даражада зарар етказилганлиги, худудларда, айниқса шаҳарларда ҳаво ифлосланиши бўйича ҳолат тобора ёмонлашиб бораётганлиги, атмосферага чиқариладиган ташланмаларнинг юкини камайтириш яхши йўлга кўйилмаганлиги, дарахтлар ва буталарни кесилишига эълон қилинган мораторий даврида ҳам дарахтлар ноқонуни кесилишга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланганлиги, мавжуд полигонларнинг ҳолати экологик ва санитария талабларига жавоб бермаслиги ҳамда улар фаолиятида қайта ишлаш ва утилизация технологиялари жорий қилинмаганлиги келгусида экологик фожия даражасидаги муаммола айланиш хавфини келтириб чиқараётганлигини кўрсатади.

Ушбу соҳада мавжуд хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, экологик маданиятни янада ошириш маҳсус ваколатли давлат органларининг бирламчи вазифаларидан бўлиб, уларни тўлиқ ижросини таъминлашда муайян даражада судлар билан боғлиқ ишларни тўғри ташкил

етишни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Статистик маълумотларга кўра, атроф табиий муҳит ифлосланирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови ундириш билан боғлиқ ишлар йил сайин ошиб бормоқда, хусусан 2022 йилда ваколатли ташкилотлар томонидан Тошкент шаҳар судларига ушбу туркумдаги иқтисодий низолар бўйича 92 та (38.292.076.246 сўмлик) даъво ариза билан мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 64 таси ўз тасдиғини топганлиги сабабли қаноатлантирилиб, 22.553.712.945 сўм компенсация тўлов маблағлари ундириб берилган. Шу билан бирга 14 та (988.149.743 сўмлик) ҳолатда даъвогарнинг важлари исботлаб бера олмаганлиги, конунбузарлик ўз тасдиғини топмаганлиги учун рад қилинган, 2 та (2.043.830.788) ҳолатда даъво аризаси ваколатсиз шахс томонидан имзоланганилиги сабабли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ҳамда 12 та (84.066.046 сўмлик) даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Мазкур туркумдаги ишлар 2023 йилнинг 7 ойи давомида бирмунча ошиб, жами 348 та (81.959.900.635 сўмлик) даъво аризаси судга киритилган, уларнинг 232 таси (29.473.404.367 сўмлик) асосли деб топилиб, қаноатлантирилган, 87 таси (42.352.302.218 сўмлик) рад этилган, 3 таси (3.287.755 сўмлик) кўрмасдан қолдирилган бўлса, уларнинг 26 таси (46.554.362 сўмлик) бўйича иш юритиш тугатилган.

Айниқса, атроф табиий муҳит ифлосланирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўлови ундириш ҳамда атроф табиий муҳит ифлосланирилганлиги учун юридиқ ва жисмоний шаҳслар фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ аризалар бўйича иқтисодий судларга қилинаётган мурожаатларнинг ошиб бориши бу борадаги масъул ходимларнинг масъулияти янада ошириш, судга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, хуқуқбузарликларни исботлаш мажбурияти давлат органлари зиммасига юқлатилганлиги боис, далилларни тегиши тарзда расмийлаштириша эътибор қаратиш талаб этилади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, экология ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик чораларни кўриш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини, атмосфера ҳавосини ифлосланишини олиш каби қатор йўналишларда қатъий чораларни кўриш нафақат давлат органлари вазифаси, шу билан бирга ушбу жамиятда яшा�ётган, фаолият юритаётган ҳар бир шахс, тузилмаларнинг конституциявий мажбурияти эканлигини барчамиз бирдек тушунишимиз, экологик мувозанатни сақлаш учун бутун инсоният масъул эканлигини барча аҳоли қатламига атрофлича тушунтишимиз ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини янада кучайтишимиз лозим.

**Р.БЕРДИЯРОВ,  
Ф.ЁДГОРОВ,  
Тошкент шаҳар суди судьялари**

# ЎЗБЕКИСТОНДА “ТОЗА ЎЙИНЛАР”

Йилдан йилга нафақат юртимизда, балки бутун дунёда экологик муаммолар авж олмоқда. Шу сабабдан инсонларни тозаликка, табиатга бефарқ бўймасликка чорловчи тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шундай ўйинлардан бири “Clean gamers” – “Тоза ўйинлар”dir. Бу ўйинларда 20 дан ортиқ мамлакат ва 300 дан ортиқ шаҳарларни ягона мақсад бирлаштиради: табиат ва тозаликка янада эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳисса кўшиш истаги орқали бирлаштирган ҳалқаро экологик кўнгиллиларнинг исроф қилиш ва сайдорни саклашга йўналтирилган дастур. “Тоза ўйинлар” оддий тозалашдан фарқ қиласи, чунки худудларни тозалаш қизиқарли ўйин-кулгига айланади. Ўйинчилар топилган ва сараланган чиқинди миқдори бўйича, шунингдек, турли танловларда рақобатлашадилар, масалан: “Энг яхши топиш” – ўйинларда топилган энг ноодатий нарса. Тадбирдан сўнг иштирокчилар мусиқа остида пикника дам олишади.

Тадбирларда 1 соатда 0,5 дан 20 тоннагача чиқинди йигадиган 30 дан 1500 нафаргача одам иштирок этади. Ўртacha, бундай ўйин иштирокчиси мунтазам кўнгилли тозаловчи ёки жамоат билан тозалашга қараганда 5-10 баробар кўпроқ тўплаши мумкин. Тадбирлар фестиваль форматида – мезон, мусиқа, пикник билан ўтказилади.

2014 йилдан бўён бутун дунё бўйлаб 137 765 иштирокчи иштирокида 2 131 та ўйин ўтказилди ва 3 562 000 кг. чиқинди алоҳида йифилди.

“Тоза ўйинлар”нинг натижалари нафақат табиий худудларни, ифлосланган атроф-муҳит объектларини ва сув ҳавзалари қирғоқларини тозалаш, балки аҳолини кўнгиллилар, экологик таълим, шунингдек, худудларни ободонлаштириш ва ривожлантиришга жалб этишдир.

Ўйинларда “Тоза ўйинлар” мобиъл иловасидан фойдаланилади, бу эса шаффоғ ва аниқ статистик маълумотларни тақдим этади ва бир нечта ўйинларни битта чемпионатда бирлаштириш имконини беради, шунингдек, замонавий ечим билан ёшлар ва фуқаролик жамиятининг фаол қисмини жалб қиласи.



Нуриддин НУРУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши бўлим бошлиги,  
Ёшлар парлamenti Соғлиқни сақлаш экология ва атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси:

– Бугун экологик масалалар нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки бутун дунё аҳлини жиддий ўйлантирилмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, Европанинг айrim жойларида сув билан муаммолар бошланган. Бир нарсанни унутмаслигимиз керак, сув ва бошқа табиий ресурслар туганмас бойлик эмас, уларнинг ҳам охири бор, албатта. Аммо, тўғрисини айтиш керак, аҳолимизнинг каттагина қисми буни тўғри англаб етгани йўқ. Сувдан ҳамон тугамайдиган ресурс сифатида фойдаланмоқда ва уни исроф қилишдан тўхтамаяпти.

Тўғри, мамлакатимизда атроф-муҳитни асрар, табиий ресурслардан унумли ва оқилона фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, аҳолининг экологик маданияти юксалмас экан, бунга эришиш қийин. Бу борада ёшларнинг экологияга бўлган муносабатини ўзгартириш, улар орасида табиатни асрарга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш билан гина яхши натижага эришиш мумкин.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон Экологик партияси томонидан кўплаб ёшларни камраб олган ҳолда экофорумлар ўтказилмоқда. Форумлар доирасида чиқинди йигиш, чиқиндиларни саралаш акциялари, сув, яшил худудлар ва бошқа табиий бойликларни асрар-авайлашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилаётir. Бундан кўзланган мақсад, экологияга бефарқ бўлмаган ёшлар орқали уларнинг тенгдошлари орасига кириб бориш, ёш авлод онгода атроф-муҳитни асрар, сувдан унумли фойдаланишга бўлган муносабатни шакллантиришдан иборатdir.



Ширин АБИДОВА,  
Ўзбекистон Волонтёрлари  
Ассоциацияси раҳбари:

– “Clean gamers” – мени назаримда бу бир нечта ижтимоий муаммоларни ечиш билан биргалиқда инсонларни ҳамжиҳатликка, бирдамликка, яхши кайфият ва дўстона муносабат илиа ёндошиб, бирлашишга ўндайдиган восита, десам муболага бўлмайди. Чунки бир ўйин доирасида нафақат чиқиндиларни тозалаш, умуман чиқинди мавзусига онгли равиша ёндашиш мавзуси кўтарилади. Энг қизиги, иштирокчилар биз хеч қаҷон одамлар чиқиндиларни шу даражада шижоат билан талашиб, йиғишлиари мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмагандик, деб айтишяпти. Ва бу ҳақиқатдан ҳам рост. Ўйинлар бошланиш жараёнида старт бериладиган нуқта тасвирланган кадрларни тўхтатиб, уларнинг кўзларига

разм солсангиз бу ҳиссиятни тушунасиз. Иштирокчилар имкон қадар тезроқ чиқиндиларни топиш ва уларни териш учун ёниб туришади. Бизнинг мақсадимиз “Clean gamers” ўйинлари ўтказиладиган кун ҳалқаро байрам сифатида нишонланадиган сана сифатида белгиланишига эришишдир. Маълумот ўрнида айтмоқчиманки, 16 сентябрдан 24 сентябрга қадар Евроосиё тозалик кубоги чемпионати ҳам бўлиб ўтади. Бу тадбирда Ўзбекистон ҳам иштирок этади. Умид қиламизки, барча иштирокчилар ўзининг фаоллигини кўрсатади ва Ўзбекистон бу кубокнинг эгасига айланади.

Умид ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади